



Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2014 йил 8 февраль, № 28 (5958)

Шанба

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ХХІ ҚИШКИ ОЛИМПИАДАНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 7 февраль куни Сочи шахрида ўтаётган ХХІ қишки Олимпия ўйинларининг очилиш маросимида иштирок этди.



Ушбу Олимпия ўйинларида саралаш босқичидан муваффақиятли ўтган спортчиларимиз Ксения

Григорьева ва Артём Воронов тоғ чанғиси, Миша Ге фигурали учш мусобақаларида иштирок

этади. 5 февраль куни Олимпия шаҳарчасида терма жамоамиз шарафига Ўзбекистон Давлат

байроғи тантанали равишда кўтарилди. ХХІ қишки Олимпиада мустақил Ўзбекистон

терма жамоаси қатнашётган олтинчи шундай мусобақадир. Мамлакатимиз спортчилари мустақил жамоа сифатида иштирок этган илк Олимпиада — 1994 йилда Норвегиянинг Лиллехаммер шахрида ўтган ХVII қишки Олимпия ўйинларида фристайл бўйича олтин медални қўлга кириштиб, улкан муваффақиятга эришган эди.

Ўтган йиллар мобайнида Ўзбекистон спортчилари Олимпия ўйинларида 6 олтин, 5 кумуш ва 11 бронза, Осиё ўйинларида 54 олтин, 76 кумуш ва 93 бронза медалига сазовор бўлди. Бундай натижалар Ўзбекистон спортга давлат томонидан алоҳида эътибор қаратилаётган ва жадвал ривожланаётган мамлакатлар орасида тобора мустақам ўрин эгаллаётганидан далолат беради.

Бугунги кунда спорт ёшларимиз ҳаётида тобора муҳим ўрин эгаллаб бормоқда. Давлатимиз раҳбари, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хомийлик кенгаши Раиси Ислон Каримов таъкидлаганидек, мамлакатимизда 2 миллионга яқин бола спортнинг 30 дан зиёд

тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Олимпия спорт турлари бўйича терма жамоаларимиз 2 мингга яқин спортчи шуғулланаётган олий спорт маҳорати мактабларида шакллантирилмоқда. Сочи шахрида ўтаётган ХХІ қишки Олимпия ўйинларида 90 га яқин мамлакатдан 5 минг 500 дан зиёд спортчи иштирок этмоқда.

Ушбу Олимпия ўйинлари учун махсус қурилган «Фишт» стадионида 7 февраль куни жаҳоннинг етакчи мамлакатлари раҳбарлари иштирокида мусобақанинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Олимпиада машъаласининг ёқилиши маросимнинг энг ҳаяжонли дамлари бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Сочиға сафари доирасида Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов билан учрашди. Музокарада Ўзбекистон — Туркменистон муносабатларига доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА).
Фарход ҚУРБОНБЕКОВ
олган сурат.

САРҲИСОБ

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси бошқарувининг йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбирда қўмитанинг 2013 йилдаги фаолияти яқунлари ва Соғлом бола йилидаги устувор вазифалар таҳлил қилинди.

Самарали ижтимоий шериклик

хотин-қизлар манфаатларини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда

Унда тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмиталари раислари, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхнова ва бошқалар томонидан эътироф этилганидек,

мамлакатимизда хотин-қизларни ижтимоий-хуқуқий қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги нуфузини юксалтириш, оила, никоҳ муносабатларини тартибга солиш, ёш оилаларга моддий ва маънавий кўмак кўрсатиш, улардаги соғлом ва барқарор муҳитни асраш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган ишлар изчил амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда).



Ишбилармонликни ривожлантириш — пировард мақсад

Кеча пойтахтимизда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Марказий Кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

ТАДБИР

Унда палата томонидан “Обод турмуш йили” Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, жорий йилги вазифалар белгилаб олинди.

Маълумки, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари изчил ривожланиб, уларнинг иқтисодий-ишловчи юксалтиришдаги улуши тобора ортмоқ-

да. Мазкур соҳа вакиллари қўллаб-қувватлаш, уларга қўлай ишбилармонлик муҳитини яратиш, тадбиркорларнинг ички ва ташқи бозорга чиқиш имкониятларини кенгайтириш ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишга эса Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси муносиб ҳисса қўймоқда.

(Давоми 3-бетда).



«ЎЗБЕКИСТОНДА ХОРИЖ САРМОЯЛАРИНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ УЧУН ЧУҚУР ЎЙЛАНГАН ВА ОҚИЛОНА ЁНДАШУВ МАВЖУД»

Мамлакатимизнинг Бельгиядаги элчихонасида Ўзбекистонни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

ЭЪТИРОФ

Тадбирда Бельгиянинг расмий, ишбилармон, илм-фан ва жамоатчилик доиралари, оммавий ахборот воситалари, Брюсселда аккредитациядан ўтган дипломатия миссиялари, Европа Иттифоқи Комиссияси ва Европарламент вакиллари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2014 йилнинг 17 январь куни Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасининг асосий мазмунини билан яқиндан танишдилар.

Брифингда Ўзбекистонда ўтган йили ҳаётга татбиқ этилган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар натижалари, асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар, банк-кредит ва молия тизими фаолияти, ишлаб чиқариш ҳамда қишлоқ хўжалигининг салоҳи-

яти ва миллий иқтисодиётга замонавий юқори технологияларни жорий қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар хусусидаги батафсил маълумотлар ҳам иштирокчилар эътиборига ҳавола қилинди.

Таъкидланганидек, 2013 йилги ислохотлар, шу жумладан, республиканинг сармоёвий ва ишбилармонлик салоҳиятини юксалтириш бўйича амалга оширилган ишлар нафақат молиявий маблағлар ҳажмининг ўсиш суръатларини сақлаб қолишга, балки хорижий сармоялар улушининг орттишини таъминлашга ҳам имкон берди.

Бельгия вакиллари мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий сиёсатни, аҳолини қўллаб-қувватлаш, унинг реал даромадларини ошириш,

таълим, соғлиқни сақлаш ва спорт тизимларини такомиллаштириш юзасидан олиб борилаётган чора-тадбирларга юқори баҳо бердилар.

Тадбирда “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси, “Ангрен” ва “Жиззак” махсус индустриал зоналари ҳамда “Навоий” интермодал логистика марказида яратилган имкониятларнинг тақдироти ҳам ўтказилди. Унда ушбу лойиҳалар доирасида фаолият олиб борадиган хорижий сармоядорлар учун тақдим этиладиган имтиёз ва преференциалар мавзусига алоҳида эътибор қаратилди.

Сўнгги йилларда республикаимиз эришган тараққиёт натижалари ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм намойиши Бельгия ишбилармон доираларининг вакилларида катта қизиқиш уйғотди.

“Жаҳон” ахборот агентлиги муҳбири брифинг қатнашчиларининг фикр-мулоҳазалари билан қизиқди.

(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

9 ФЕВРАЛЬ — АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

Президентимиз Ислон Каримов Навоий шахрида Алишер Навоий ёдгорлик мажмуининг очилишига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида: “Буюк гуманист шоиримиз фаолияти ва ижодиға теран назар ташласак, унинг даҳоси ижтимоий ҳаётнинг, мафкура ва маданиятнинг барча соҳаларини қамраб олганидан ҳайратга тушамиз”, деган эдилар.

Эзгулик ва инсонийлик тараннуми

Ҳақиқатан ҳам, Алишер Навоий ижоди тубсиёз уммонга ўхшайди. Зеро, ул зотнинг бой маънавий мероси шу қадар кенг ва салмоқлики, унда қайд этилган мавзуларда ҳаёт ҳодисотлари, инсон турмуши, ички кечинмалари билан боғлиқ барча жиҳатлар қаламга олинган. Шоир ўқувчи эътиборини энг муҳим тушунчаларга қаратади. Уларнинг ҳар бирига алоҳида урғу беради: кўнгил, иймон, савоат, адаб, қаноат, вафо, ишқ, ростлик, илм кабилар теран шарҳланади. Асарларида инсон, инсонийлик белгилари, “одамийлар одамийси”, яъни бугуннинг тили билан айтганда, комил шахс ҳақида кўпгина фикрлар учрайди. Навоий инсонни улуғлайди. Унинг кўнгли муқаддас эканлигини такрор-такрор таъкидлайди. Айни пайтда ҳар бир киши эзгу ном қолдириши, умрини яхшиликлар қилиш билан беэши муҳимлигини уқтиради. Шунинг учун бўлса керак, йиллар, асрлар ўтса-да, бобокалонимизнинг ижодига бўлган қизиқиш тобора кучайиб бормоқда.

Хусусан, шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида сўз мулкнинг султони Алишер Навоий таваллудининг 573 йиллиги муносабати билан маънавий-маърифий тадбирлар, адабий-бадий анжуманлар ўтказилаётди. Кеча “Туркистон” саройида ташкил этилган “Назм ва наво” кечаси ҳам иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Бадий академия, Матбуот ва ахборот агентлиги, “Тасвирий ойна” ижо-

дий уюшмаси ҳамкорлигида уюштирилган тадбирда сўзга чиққанлар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида ёш авлодни соғлом, мустақил фикрлайдиган, юксак маънавиятли инсонлар этиб вояга етказиш, ватанпарварлик руҳида тарбиялашда улуғ аллоамаларимиз, хусусан, Алишер Навоийнинг асарлари алоҳида аҳамият касб этаётганини таъкидлашди. Бинобарин, истиқлол йилларида Алишер Навоий ижоди ҳар томонлама тадқиқ этилмоқда. Мукаммал асарлар тўплами нашр қилиниб, бобомиз ижоди умумтаълим мактаблари, коллеж ва академик лицейлар, олий ўқув юртери, илмий тадқиқот институтлари, маърифат муассасалари, ахборот-ресурс марказларида зўр қизиқиш билан ўрганиляпти. Шу билан бирга, шоир мероси бастакор ва хонандалар, созанда-лар, мусаввирлар учун битмас-туганмас илҳом манбаи бўлиб хизмат қилмоқдаки, натижада янгидан-янги қўшиқлар, адабий, бадий, тасвирий санъат асарлари яратилаётир.

“Назм ва наво” кечасида шоир ижодий оламининг ёшлар маънавиятини юксалтиришдаги ўрни ҳамда аҳамияти ҳақида алоҳида сўз юритилди. Алишер Навоий газалларида намуналар ўқилди, унинг газаллари билан айтиладиган қўшиқлар ижро этилди. Тадбир давомида Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди, бой адабий меросига бағишланган тасвирий ҳамда амалий санъат кўргазмаси ташкил қилинди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов иштирок этди.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ.

Алишер Навоий — ўзбек адабиётининг фахру ифтихори. У халқимизнинг маънавий ўзлигини оламшумул даражада намоён этди. Ўзбек тилини буюк адабий тил сифатида жаҳонга танитди. Бу тилда “Хамса”дек машҳур достонлар туркуми, тўрт йирик девондан иборат “Ҳазойин ул-маоний” сингари буюк шеърый дурдоналарни яратди.

Буюк мутафаккир ижодини тараннум этишга бағишланган “Абадиёт гулшани” саҳифамизда бу гал ҳам улуғ бобокалонимизнинг бетакрор ижоди хусусида сўз юритилади. Бундан кўзда тутилган мақсад улуғ шоирнинг асарларини чуқур англашга интилишдир. Зеро, Президентимиз айтганларидек: “Барча олижаноб ишларимизда Навоий гоёлари, Навоий ибрати, Навоий руҳи ҳамиша бизга ҳамроҳ бўлсин!”

4-бетга қаранг.



ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари тахририяти 2014 йил учун ўз нашрларига обуна давом этаётганлигини маълум қилади.

Обуначиларга қўлайлик яратиш мақсадида жорий этилган обунани онлайн расмийлаштириш шакли ҳам амал қилмоқда.

Бунинг учун тахририятнинг www.xs.uz, www.narodnoeslovo.uz расмий сайтларидаги онлайн обуна бўлимига ўтиб, белгиланган буюртманомани тўлдирсангиз, кифоя.

Обунани расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги маълумотлар билан www.xs.uz ёки www.narodnoeslovo.uz сайтларида батафсил танишишингиз мумкин. Мурожаат учун телефон: (8-371) 233-10-03

«ЎЗБЕКИСТОНДА ХОРИЖ САРМОЯЛАРИНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ УЧУН ЧУҚУР ЎЙЛАНГАН ВА ОҚИЛОНА ЁНДАШУВ МАВЖУД»

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Урбан Руснак, Энергетика Хартиясининг бош котиби: — Ўзбекистонда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ҳамда ялпи ички маҳсулотнинг 8 фоизлик ўсиш суръати, шубҳасиз, катта эътиборга моликдир. Айнан ана шу омиллар хорижлик сармоядорларнинг ўзаро ҳамкорлик учун ишончли шерик сифатида мамлакатингизни танлашларида муҳим ўрин тутмоқда.

Бундай ўсиш суръатларига эришишда Ўзбекистон энергетика тармоғида олиб борилаётган самарали сиёсатнинг аҳамияти катта. Хусусан, 2013 йили Тошкентда бўлиб ўтган Осіё куёш энергияси форумининг VI йиғилиши республиканинг муқобил энергия манбаларини ривожлантиришда катта ютуқларга эришяётганини намоён қилди.

Ўзбекистон Энергетика Хартиясининг муҳим аъзоси ҳисобланади. Ташкилотимиз бундан кейин ҳам технология-

лар ва илғор тажриба алмашиш орқали республикада сармоявий мухитни янада яхшилаш, энергетика тармоғининг тараққиётига кўмаклашишда давом этаверади.

Кристофер Иветот, Саноат тараққиёти бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (UNIDO) Европа Иттифоқи хузуридаги доимий вакили:

— Йил якунлари мамлакатингиз белгилаб олган янгиланиш ва модернизация йўлининг тўғрилигини тасдиқлайди. Республика нафақат жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi салбий таъсирининг олдини олиш, балки иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларини таъминлаш бўйича ҳам улкан муваффақиятларга эришди. 2013 йили 13 миллиард доллар қийматидаги капитал қўйилмалар ўзлаштирилгани ҳамда бу 2012 йилдагига нисбатан 11,3 фоиз кўп эканлиги юқоридаги фикрни тасдиқлайди.

Иқтисодиётни диверсифика-

циялаш ва экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари алоҳида эътиборга лойиқ. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш иқтисодий соҳадаги ютуқларнинг яна бир омили бўлгани ҳолда, мамлакат ялпи ички маҳсулоти таркибида унинг улуши тобора ортиб бормоқда.

Биз республика иқтисодиёти тармоқларини модернизациялаш ҳамда Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришишга қаратилган 500 дан ортиқ лойиҳаларни амалга оширишда ёрдам кўрсатишга тайёرمىз.

Умуман олганда, Ўзбекистонда турли соҳаларда ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотлар бошқа мамлакатлар учун намуна сифатида хизмат қилиши мумкин.

Франк Швальба-хот, Европа Парламентининг етарчи эксперти: — Мен Ўзбекистонда бир неча маротаба бўлганман. Юртингизга ҳар бир сафарим чоғида республикада мустақиллик йилларида амалга оширилган улкан ўзга-

нинг йирик шаҳарларидаги тиббиёт хизматлари билан деярли баробар эканлиги ҳам алоҳида таҳсинга лойиқ.

Ирнерио Семинаторе, Европа халқаро муносабатлар институти президенти: — Ўзбекистонда хориж сармояларини жалб қилиш учун чуқур ўйланган ва оқилона ёндашувнинг мавжудлиги миллий иқтисодиёт ва саноат ривожини таъминламоқда.

Иқтисодиётнинг барқарор ўсишига, менинг фикримча, банк тизимининг ислоҳ этилиши ҳам хизмат қилаётир. Самарали сиёсат натижасида Ўзбекистонда банклар капиталининг етарлилик даражаси 24,3 фоизни ташкил қилмоқда ва бу банк назорати бўйича Базель кўмитаси томонидан белгиланган талабдан уч баробар кўпдир.

Мен ўзбек оилаларида фарзандларга қаратиладиган катта эътибор билан танишман. Шу боис Ўзбекистонда 2014 йилнинг “Соғлом бола йили” деб эълон қилинишини қўллаб-қувватлайман. Бу нафақат халқингиз менталитетини намоён этади, балки мамлакат раҳбарияти томонидан соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш масаласига берилаётган жиддий эътибордан далолатдир.

«Жаҳон» АА. Брюссель

■ ФАОЛЛАР ЙИГИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари муҳокамасига бағишлаб ўтказилган мажлисида давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган долзарб вазифалар жойларда ўтказилаётган фаоллар йиғилишида атрофлича таҳлил этилмоқда. Бу ҳақда мухбирларимиз хабар беради.

Худудий дастурлар ижросига бағишланди

ЖИЗЗАХ

Йиғилишда 2013 йилда вилоят иқтисодиётини юксалтириш борасида бажарилган ишлар атрофлича таҳлил этилди. Ўтган йилда ялпи худудий маҳсулот ҳажми 10,2 фоиз, жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 12,2 фоиз, қишлоқ ҳўжалиги 6,2, қурилиш ишлари 22,4, чакана товар айланмаси 17,8 фоиз ўсди. Ялпи худудий маҳсулот таркибида хизматларнинг улуши 39,4 фоизни ташкил этди.

Хисобот даврида вилоятда ишбилармонлик мухитини янада яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилгани таъкидланди. Бунинг натижасида 994 кичик бизнес субъекти ташкил этилиб, ялпи худудий маҳсулот таркибида уларнинг улуши 79,9 фоизга етди.

Кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ти-

жорат банклари томонидан 200,8 миллиард сўм, жумладан, саноат соҳасини ривожлантириш учун 42,5 миллиард сўм кредит ажратилди. Шунингдек, саноат, қишлоқ ҳўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларида 800 дан зиёд лойиҳа амалга оширилган.

Инвестиция дастурига асосан, 17 лойиҳага 14,5 миллион доллар микдорида хорижий инвестиция тўғридан-тўғри жалб қилинди.

Вилоятда янги иш жойларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш худудий дастурига асосан, 44 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилди. Уларнинг 68,4 фоизи қишлоқ жойлари ҳиссасига тўғри келади.

Фаоллар йиғилишида эришилган ютуқлар билан бирга, йўл қўйилган камчиликлар танқид қилиниб, уларни бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

НАМАНГАН

Фаоллар йиғилишида 2013 йилда вилоятда ялпи худудий маҳсулот ҳажми 11,2 фоиз, жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 12,5, қишлоқ ҳўжалиги 8,1, капитал қўйилмалар 21,7, қурилиш ишлари 16,1, пуллиқ хизматлар кўрсатиш 19,3 фоиз ўсгани таъкидланди.

Хисобот даврида экспорт қилувчи корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ташқи бозорга маҳсулот чиқариш имкониятларини кенгайтириш борасида аниқ чора-тадбирлар қўрилаётгани эътироф этилди. Экспортчи корхоналар сони 94 га етиб, улар томонидан 102,5 миллион АҚШ долларига тенг ташқи савдо амалиёти бажарилганлиги бунинг ёрқин далилидир.

Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал ривожланаётган соҳалардан бирига айланган. Биргина ўтган йилнинг ўзида 1140 кичик бизнес субъекти ўз ишини бошлаб, мазкур секторда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий сони 12,3 мингтага етди. Бу, ўз навбатида, кичик бизнеснинг вилоят ялпи худудий маҳсулотидоғи улушини 79,5 фоизга етказиш имконини берди.

Йиғилишда иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари якунлари ҳам чуқур таҳлил қилиниб, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш бўйича соҳа мутасаддиларига аниқ вазифалар топширилди.

Фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Икрамов иштирок этди.

Ўлугбек АДИЛОВ, Қудратилла НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.

Хизматлар тури кўпаймоқда

Бу эса янги иш ўринлари ортишини таъминлаяпти.

Сурхондарё вилоятида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида муайян ютуқларга эришилаётгани бу йўналишнинг кенг имкониятларидан, порлоқ истиқболидан дарак бериб турибди. “Обод турмуш йили” Давлат дастури доирасида умумий қиймати 48,4 миллион долларлик 675 та лойиҳа амалга оширилиб, 6663 та янги иш ўрни яратилгани бунинг исботидир.

■ БАНДЛИК

Хусусан, ўтган йили Термиз шаҳридаги “Silk Road Trans” масъулияти чекланган жамиятида логистика маркази ишга туширилиши ҳисобига 50 нафар, Бойсун туманидаги “Сурхон-Ангор техсервис” масъулияти чекланган жамиятида метан гази қўйиш шохобчаси фойдаланишга топширилиши муносабати билан 54, Денов туманидаги “Денов Фаворит барака” масъулияти чекланган жамиятида маийшй хизмат кўрсатиш шохобчаси ва тўйхона иш бошлаши эвазига 40 нафар киши доимий

иш ўрнига эга бўлди. Вилоят бўйича 2013 йили аҳолига 2228,0 миллиард сўмлик хизматлар кўрсатилиб, белгиланган режа 118,0 фоизга бажарилди. — Ривожланган мамлакатлар тахрибасидан маълумки, иқтисодиёт равнақ топган сари хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига бўлган талаб ҳам ортаверади. Бугунги кунда вилоятимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг узвий бўлуга бўлимиш мазкур тармоқдаги янгиланиш ва ўзгаришлар бунинг яққол тасдиғидир, — дейди Ўзбекистон Савдо-са-

ноат палатаси вилоят худудий бошқармаси бошлиғи Тўра Боболов. — Жумладан, туман марказлари ва қишлоқларда 123 та чакана савдо, 49 та умумий овқатланиш корхонаси, 37 та маийшй хизмат кўрсатиш маркази, 8 та гузар, 2 та суғурта бўлими, 439 та маийшй хизмат кўрсатиш шохобчаси ишга туширилди.

Дарҳақиқат, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси нафақат шаҳарларда, балки туман ва қишлоқларда ҳам жадал равнақ топиб бораёпти. Сабаби оддий: соҳа аҳолининг

ҳаётий заруратларини қондиришнинг замонавий тақлифларини ўзида мужасамлаштирган. Шу ўринда Шеробод туманида тўпланган тажриба алоҳида эътиборга молик. Чунончи, ўтган йил давомида туманда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 1149 минг доллар микдоридаги банк кредитлари, 1081 минг долларлик тадбиркорлар маблағлари йўналтирилиб, қиймати 2229,5 миллион сўмлик 42 та лойиҳа амалга оширилди. Пировардида қарийб 700 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Айниқса, коллежларнинг битирувчилари бандлигини таъминлаш юзасидан мазкур туманда амалга оширилаётган ишлар таҳсинга сазовор. Гап шундаки, тадбиркор Нилуфар Шоймуродова 70 миллион сўм эвазига “Заробач” қишлоқ фуқаролар йиғини худудида маийшй хизмат кўрсатиш шохобчасини очиб, маҳалла ёшларидан 15, тадбиркор Холи Лукова Фалаба маҳалласида маийшй хизмат ҳамда транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш шохобчасини ишга тушириб, 12 нафарини доимий иш билан таъминлади.

Қисқача айтганда, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси йил сайин изчил ривожланмоқда. Бу, ўз навбатида, аҳоли бандлигини таъминлаш, одамларнинг турмуш шароитларини яхшилашга хизмат қилаётир.

Нормурод ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.

Самарали ижтимоий шериклик

хотин-қизлар манфаатларини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Айниқса, хотин-қизларнинг ҳаётимиздаги фаол иштирокини таъминлаш, меҳнат ва ўқиш шароитларини яхшилаш, истеъдодли қизлар салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитларни яратишга қаратилган саяй ҳаракатлар самарали ташкил қилинаётир. Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган “Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони бу борада дастуриламал бўлмоқда.

Хисобот даврида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан вазирлик ва идоралар, корхона ва ташкилотлар, таълим-

тарбия муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликда ижтимоий дастурларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга катта эътибор қаратилгани таъкидланди. Бундай кенг қўламли ҳамкорлик маҳаллаларда умумтаълим мактабларининг 9-синфини тамомлаган ўқувчиларни ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига тўлиқ қамраб олиш, ташаббускор, фаол ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, айниқса, қизларни касб-хунарга йўналтириш, оилавий ҳаётга тайёрлаш, эрта турмуш, қариндош-уруғлар ўртасидаги ниҳохлар, оилавий ажримларнинг олдини олишда муҳим омил бўлмоқда.

“Обод турмуш йили” Давлат дастури ижросида, хусусан, хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш, уларнинг бандлигини таъминлаш, чекка худудларда яшаётган опа-сингилларимиз турмуш шароитини яхшилаш, оилалар мустаҳкамлигини асраш борасида қўрилган аниқ чора-тадбирлар самараси ўларок, бу борада ижобий кўрсаткичларга эришилди. Чунончи, ўтган йили тижорат банклари томонидан хотин-қизлар тадбиркорлигини молиявий қўллаб-қувватлаш учун 700 миллиард сўмга яқин кредитлар ажратилгани, натижада минглаб аёллар тадбиркорликни йўлга қўйиб, оиласи, юрт учун наф келтираётгани бунинг ёрқин далилидир. Шу билан бирга, таълим масканларидаги “Ораста қизлар”

тўғарақлари, маҳаллаларда “Ораста ёшлар” ахборот-маслаҳат гуруҳлари фаолиятининг йўлга қўйилгани йигит-қизларнинг ўз саломадлиги, оила олдидоғи масъулиятни теран англаши, Ватан тараққиётига дахлдорлик туйғусини янада кучайтиришда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бундан ташқари, хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларда тиббий маданиятни юксалтириш, соғлом турмуш тарзини таъминлаш кенг тарғиб этишга қаратилган саяй-ҳаракатлар ҳар йили минглаб ҳомилалар аёлларни соғломлаштириш, ривожланишида нуқсонни бўлган гўдаклар туғилишининг олдини олишда намоён бўлмоқда.

Йиғилишда Соғлом бола йилида амалга оширилиши зарур

бўлган вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтилди. Жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш, айниқса, қизларни спортга кенг жалб этиш, хотин-қизлар манфаатларини таъминлашда вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, ННТ, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорликни янада кучайтириш юзасидан фикр алмашилди.

Тадбирда ҳисобот даврида йўл қўйилган айрим қишлоқликлар танқид қилиниб, уларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар берилди.

Яқунда муҳокама этилган масалалар бўйича аниқ чора-тадбирлар ва истиқболли режалар белгилаб олинди.

Зиёда АШУРОВА.

■ ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси томонидан ишчи гуруҳ йиғилиши ўтказилди. Тадбирда бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қаторида “Геном маълумотларини давлат рўйхатиға олиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама этилди.

Қонун лойиҳаси муҳокама қилинди

Унда қуйи палата депутатлари, Олий суд, Бош прокуратура, Ички ишлар, Адлия, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Адлия вазирлиги қошидаги Республика суд экспертиза маркази ходимлари ҳамда илмий тадқиқот институтлари мутахассислари, олимлар қатнашди.

Таъкидланганидек, ушбу қонун лойиҳаси нормалари геном маълумотларини олиш, сақлаш ва улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаш, жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини ошириш, жамоат хавфсизлигини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш,

С. МАХСУМОВ.

■ ҚУЛАЙЛИК

Эндиликда қашқадарёлик тадбиркорлар статистика маълумотларини интернет орқали ҳам юборишлари мумкин. Яқинда худудда автоматлаштирилган “eStat 2.0” ахборот тизими ишга туширилиши билан шундай имконият юзгага келди.

Электрон ҳисобот

Натижада тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этилаётган ҳисоботларнинг электрон улуши 88,6 фоизга етказилди.

Таъкидлаш керакки, тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш учун маъмурий сарф-харажатларни камайтириш, соҳа вакиллариин давлат рўйхатиға олишда турли тўсиқ ва говларни бартараф этиш йўли билан янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида тизимда кенг қўламли

иқтисодий ислохотлар олиб борилмоқда. Қарши шаҳрида ўтказилган Қашқадарё, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятлари статистика бошқармаларининг раҳбар ҳамда мутахассислари, туман ва шаҳар статистика бўлими бошликлари ҳамда саноат тармоғига тааллуқли корхона ва ташкилотлар вакиллари иштирокидаги худудий семинарда ана шу ҳақда фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Аҳад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Тадбиркорлар оиласи

Тўхтабоевларни ҳақиқий тадбиркорлар оиласи, дейиш мумкин. Чунки мазкур хонадон аъзолари бундан ўн икки йил аввал Урганч шаҳрида “Стоматология” хусусий фирмасини ташкил этиб, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни йўлга қўйганди.

■ ИНТИЛИШ

Тез орада шаҳар марказидаги истироҳат боғида дам олувчиларга хизмат кўрсатиш учун “Урганч аттракцион” хусусий корхонаси ташкил этилди. Яқиндан бошлаб эса тадбиркор оила ташаббуси билан чармин қайта ишлаб, ундан аёллар ва мактаб ўқувчилари учун бежирим сумкалар тайёрлаш ўзлаштирилди.

— Бизнесимизнинг кенг ривож топишида бизга яратилган имконият ва имтиёзлар муҳим омил бўлмоқда, — дейди тадбиркор М. Тўхтабоев. — Навбатдаги лойиҳамиз банкнинг 300 миллион сўмлик кредити билан қўллаб-қувватланди. Бунинг ҳисобида коллеж битирувчиларидан ўн нафарини иш билан таъминладиқ.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ТАДБИР

Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг шундай бебаҳо адабий хазинаси борки, у нафақат мамлакатимиз, балки дунё шеърият ихлос-мандлари учун ҳам ниҳоятда қадрлидир. Зеро, Навоий ижоди замон ва макон танламайди. Қаламга олинган мавзулар эса абадиятга дахлдор. Шу сабабдан Алишер Навоий ижодини ўрганиш ва тадқиқ этиш ишлари тобора долзарб аҳамият касб этиб бораётир.

Бебаҳо хазина

Кеча Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институтида шоир адабий ва илмий меросини ўрганиш масалаларига бағишлаб ўтказилган анжуманда ҳам шу хусусда сўз борди.

Мазкур институт ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда Навоий ижоди тадқиқотчилари, адиблар, журналистлар, мумтоз адабиёт ихлосмандлари иштирок этди.

Тил ва адабиёт институти директори, профессор Н. Маҳмудов бошқарган тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимиз мустақилликка эришган, Ҳазрат Навоий шахсияти ва ижодига муносабат тубдан ўзгарди. Натижада бугун шоирнинг асарларини янада чуқуროқ ўрганиш бўйича кўплаб тадқиқотлар қилинапти, илмий изланишлар кўлами кенгаймоқда.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институтида олиб борилаётган тадқиқотларнинг салмоқли қисми Навоийнинг барҳаёт меросини кенг тадқиқ этишга қаратилмоқда. Бундай изланишлар натижасида шоирнинг 20 жилдик мукаммал асарлар тўплами чоп этилди.

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўтган йили тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш мақсадида назорат қилувчи органлар томонидан ўтказилган 2457 та режали ҳамда режадан ташқари текширувларда Палата мутахассислари иштирок этиб, судларга 708 миллиард 758 миллион сўмликдан ортқ даъво аризалари киритилгани ана шундан далолат беради. Бундай ҳолатларнинг олдини олишда, айниқса, “Тадбиркорлар куни”нинг мунтазам таш-

жий сармоя иштирокида 26 та корхона ишга туширилди. 354 та корхонага эса минитехнологияларни харид қилиш учун 34,114 миллион АҚШ долларилек кўмак кўрсатилди. Шу билан бирга, ишбилармонларимиз Германия, Хитой, АҚШ, Испания, Хиндистон, Россия, Тайвань сингари давлатларда бўлиб ўтган 41 халқаро ярмаркада қатнашиб, ўзaro ҳамкорлик тўғрисида 111 келишувга эришдилар.

Бундан ташқари, республикамызда уюштирилган 97 та кўргазма ва

Ишбилармонлиқни ривожлантириш — пировард мақсад

кил қилингани ўз самарасини кўрсатди. Чунки муружаатларнинг аксарияти айнан ушбу тадбир асосида келиб тушган бўлиб, пировардида мавжуд муаммолар маҳаллий ҳокимлик ҳамда ваколатли органлар томонидан ҳал этилди.

Бугунги тадбиркор — ички ва ташқи бозор талабларини чуқур ўрганиб, замон билан ҳамқадам иш юритишга интилаётган замонавий ишбилармон. Шунчи ҳисобга олиб, Палата мутахассислари уларга ишончли ҳамкор излаш ёки янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил қилиш мақсадида хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича амалий чора-тадбирларни кўрмоқдалар. Бу эса соҳа вакилларининг жаҳон бозорига чиқиб кетган имкониятларини кенгайтираётир. Масалан, бевосита Палатанинг ташаббуси билан якунланган йилда юртимизга 100 га яқин хорижий делегацияларнинг таширифи уюштирилди. Натижада жойларда хори-

кооперациялар биржада фаол қатнашган 116 та корхона 108 миллион 513,27 минг АҚШ долларилик маҳсулотларини четга сотиш имкониятига эга бўлди.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси 24 740 га яқин аъзога эга. Палата томонидан ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тушунтириш, солиқ ва боғхона қонунчилиги, кредитлар олиш, бизнесни режалаштириш, ISO 9001, ISO 14000 ва “Кайзен” халқаро стандартларини жорий этиш мавзуларида семинарлар ташкил қилинаётгани, ўз навбатида, тадбиркорларнинг хориж давлатларида бўлиб, тажриба тўплашларида муҳим аҳамият касб этапти. “SMS-TO‘LOV”, “UZSAT” сингари интерактив хизматлар ва www.biznesinfo.uz ахборот порталининг жорий қилингани эса соҳа вакилларининг ишони энгиллаштирмоқда.

Тадбирда Палата фаолиятидаги ана шундай янгилликлр ҳақида сўз юритилиши баробарида, жорий йилги вазифалар, яъни оилавий бизнесни ташкил этиш истагидаги фуқароларни ўқитиш ишларини кенгайтириш, “Ягона ойна” шаклида хизмат кўрсатиш ҳамда электрон тижоратни ривожлантириш, корхоналарнинг экспорт салоҳиятини юксалтириш юзасидан фикрлар алмашилди.

Яқунда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

◀ ХАЛҚ СЎЗИ ▶

ЭЪЛОНЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

232-11-15,
236-09-25.

E-mail: reklama@xs.uz



Бизнес лойиҳаларга — банк кредитлари

Шундан келиб чиқиб, очиқ акциядорлик тижорат “Турон” банкнинг Бухоро вилояти филиали жамоаси ҳам кўрсатилган хизматлар сифатини яхшилаш ва ажратилаётган кредитлар миқдорини оширишга ҳаракат қилаётир. Ўтган йили ушбу филиал томонидан 271 миллиард сўм миқдорда микрокредитлар берилгани, бу маблағ, асосан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, сервис ва маиший хизмат кўрсатиш билан шуғулланаётган кичик бизнес субъектларининг лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилгани фикримиз тасдиғидир.

— Мана, бир неча йилдирки, мазкур филиал билан ҳамкорлик қилиб келяпмиз, — дейди Олот

туманидаги “Салим Ашур” фермер хўжалиги раҳбари Зулхумор Қўлмиева. — Унинг кредитлари эвазига фаолиятимизни тобора кенгайтиряпмиз. Масалан, ўтган йили банкнинг молиявий кўмаги билан фермерликдан ташқари, тадбиркорликни ҳам йўлга қўйдик. Натижада касб-хунар коллежини битирган беш нафар ёш мутахассиснинг бандлиги таъминланди.

Таъкидлаш жоизки, бугун “Турон” банки ўз хизматлари билан чекка-чекка худудларга ҳам кириб бориб, фермерлар ишини юксалтиришга баҳоли қудрат хисса қўшмоқда.

Дилшод Бобоназаров ҳам банк кредитидан унумли фойдаланган тадбиркорлардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, иқтисодийни барқарор ривожлантириш, кўп жиҳатдан, молия муассасалари фаолиятига боғлиқ.

ЭЪЛОН

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли қарорига мувофиқ, Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг 2014 йил 1 февралдаги 01-00/76-сонли буюртманомасига асосан, институтга тегишли, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мироншоҳ кўчаси, 123-уйда сақланаётган куйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1. «ГАЗ-3302-14 СНГ «Газель» русумли, давлат рақами 01 763 LBA бўлган, 2004 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 36 518 372 сўм.

2. «Damas» русумли, давлат рақами 01 557 LBA бўлган, 2001 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси.

Бошланғич баҳоси — 19 590 006 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 10 март куни соат 11.00

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.

Телефон: (8-371) 228-79-52. www.rmm.uz

Гувоҳнома № 006231.

«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Навоий вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Навоий шаҳар СИБ томонидан Навоий вилояти хўжалик судининг 2013 йил 16 сентябрдаги 21-1304/4873-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Навоийулгуржиммаҳсулот» МЧЖга тегишли, Навоий шаҳри, Спутник кўргони худудида жойлашган, умумий ер майдони 12235,2 кв.м., фойдаланиш майдони 3309,07 кв.м. бўлган 58 хонадан иборат база биноси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 875 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 13 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишининг охириги мuddати — 2014 йил 11 март куни соат 18.00.

Талабгорлар диққатига! Кўчмас мулк 2014 йил 13 мартдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, унинг такрорий аукцион савдоси 2014 йил 11 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Такрорий аукцион савдосига аризаларни қабул қилишининг сўнгги мuddати — 2014 йил 9 апрель куни соат 11.00.

Кўчмас мулк билан тегишли шаҳар суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Навоий вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека-банк» Навоий филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609007, МФО: 00205, СТИР: 207122519.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Навоий шаҳри, Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Навоий вилояти худудий бошқармаси маъмурий биноси, 1-қават.

Телефон: (8-436) 224-15-61. www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

Ўзбекистон халқаро сайёҳлик анжуманида

Братиславадаги “Incheba Expo Arena” кўргазмалар мажмуасида “ITF Slovakia tour — 2014” халқаро сайёҳлик анжумани бўлиб ўтди.

ТАҚДИМОТ



Мазкур кўргазмада Словакия ҳамда дунёнинг 29 мамлакатидида фаолият кўрсатадиган 750 дан зиёд сайёҳлик компанияси, туроператор ва авиакомпаниялар қатнашди. Тадбир ташкилотчиларининг маълум қилишича, 75 минг нафардан зиёд саёҳат ишқибозлари ушбу кўргазма иши билан яқиндан танишган. "ITF Slovakia tour —

2014"да Ўзбекистоннинг бой сайёҳлик салоҳияти Словакиядаги “Bubo Travel Agency” агентлиги томонидан тақдим этилди. Мазкур йирик сайёҳлик компанияси Марказий Осиё мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари бўйлаб қизирли саёҳатлар уюштириш борасида катта тажрибага эга.

Гарчи “Bubo Travel Agency” агентлиги ушбу анжуманда дунёнинг кўпгина мамлакатларига қизикарли сафарларни таклиф этган бўлса-да, компания томонидан жиҳозланган Ўзбекистон бўлмаси саёҳат ишқибозлари билан гавжум бўлди. Бўлмадан ўрин олган, кўёшли ўлкамизнинг гўзал табияти, бой тарихий-маданий мероси, ривожланган сайёҳлик инфратузилмаси ҳақида атрафлича та-саввур уйғотадиган рангбаранг ахборот материалари бунинг асосий омилдир. Қолаверса, тадбирда компания вакиллари саёҳат ишқибозларига Ўзбекистон бўйлаб унутилмас таассуротлар орттириладиган кўплаб сайёҳлик йўналишларини ҳам таклиф этишди.

Кўргазмада жорий йил мамлакатимизга саёҳат қилиш истагидагилардан салмоқли миқдорда буюртмалар олинди. Бу эса Словакияда Ўзбекистон сайёҳлик салоҳиятига қизиқиш катта эканлигининг ёрқин далолатидир.

«Жаҳон» АА.



Япониянинг “Sony” компанияси 1996 йилдан буён “VAIO” савдо белгиси остида турли русумдаги компьютерлар ишлаб чиқаради.

Бошқа йўналишда иш юритмоқчи

Эндиликда у мазкур бизнесидан воз кечиб, асосий эътиборини планшетлар ва смартфонлар тайёрлашга қаратмоқчи. “VAIO”ни мамлакатнинг йирик инвестиция жамгармаси “Japan Industrial Partners” сотиб оладиган бўлди. Хорижий оммавий ахборот воситаларида тарқатилган хабарларга кўра, бу борада эришилган келишув шартлари жорий йилнинг март ойи охирида тўлиқ амалга оширилади. Унинг умумий қиймати тахминан 390-490 миллион АҚШ долларига тенг.

“Sony” маъмурияти ушбу чора-тадбир орқали харажатларни тежашни ҳам мақсад қилган. Яъни компания фаолиятидаги ўзгариш натижасида яқин вақт ичида иш ўринлари сони беш мингтага қисқартирилади.



Акциялари баҳосига таъсир қилди

АҚШнинг “Nasdaq” биржасида ўтказилган сўнгги савдолар чоғида “Twitter” ижтимоий тармоғининг акциялари баҳоси деярли 25 фоиз тушиб кетди.



“Reuters” ахборот агентлиги хабарига қараганда, бунга унинг 2013 йил тўртинчи чораги аяунлари бўйича эълон қилган ҳисоботи сабаб бўлган. Гап шундаки, ўтган йилнинг октябрь — декабрь

ойларида “Twitter” 511,4 миллион доллар миқдорда зарар кўрган. Қолаверса, тармоқда янги аккаунтлар очиш ҳолати ҳам аввалги чорақдагига нисбатан сезиларли даражада камайган.

Натижалар ўзгармади

Швейцариянинг “Credit Suisse Group AG” банкининг ўтган йил тўртинчи чорагида эришган натижалари 2012 йилдаги ҳолат билан деярли бир хил бўлди.

Жумладан, октябрь — декабрь ойларида мазкур молия муассасаси 267 миллион франк (295 миллион АҚШ доллари) миқдорда соф фойда олган. Аввалги йилда ушбу рақам 263 миллион франк эди. Манбада изоҳланишича, аслида “Credit Suisse Group AG”нинг кўрсаткичлари юқори бўлиши кутилаётганди. Аммо унинг фаолияти юзасидан АҚШда ўтказилган суд жараёни катта харажат талаб қилди ва бу банк фаолиятига ўз таъсирини ўтказмай қолмади.



Кема ҳалокати

Атлантика океанида унчалик катта бўлмаган кема ҳалокатга учради.

Воқеа Флорида штати (АҚШ)нинг Уэст Палм-Бич шаҳридан 120 километр узоқликда рўй берган. Дастлабки маълумотларга кўра, уч киши ҳаётдан кўз юмган. Етти кишини қутқариб олишга муваффақ бўлинган.

Уларнинг аҳволи ҳақида ҳозирча бирор гап айтилгани йўқ, дейилади “CNN” телеканали хабариди. Ҳалокат вақтида кемада қанча одам бўлгани аниқ эмас. Шу боис қидирув ишлари давом эттирилмоқда.

Анъанавий кинофестиваль

Германияда 64-Берлин халқаро кинофестивали оғз ишини бошлади.

Бу гал форум давомида қарийб 400 та фильм намойиш этилади. Улардан 20 таси бош соврин — “Олтин айиқ” мукофотига номзод сифатида рўйхатга олинган.



Мазкур санъат анжумани энг кўп томошабин жамлай олиши билан дунёга машҳур. Масалан, ҳар йили унга 300 мингга яқин кино ихлосмандлари ташириф буюради.

Фестиваль голиблари номи 15 февраль куни эълон қилинади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Yoshlar” телерадиоканали “ёпиқ акциядорлик жамияти жамоаси бош овоз режиссёри Изатилла Комиловга падари бузруквори

ХОЛМАТ отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент ирригация ва мелиорация институти жамоаси Ер тузиш ва ер муносабатлари кафедраси профессори Саъдулла Авезбаевга ўғли

Омон АВЕЗБАЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбек халқи маънавий дунёсининг шаклланишига ғоят кучли ва самарали таъсир кўрсатган улғ зотлардан яна бири — бу Алишер Навоий бобомиздир. Биз унинг мўътабар номи, ижодий меросининг боқийлиги, бадиий даҳоси замон ва макон чегараларини билмаслиги ҳақида доимо фахрланиб сўз юритамиз.

Ислон КАРИМОВ



Навоий ўз ғазалларида инсоннинг ранг-баранг руҳий ҳолатларини ифода-лайди. У руҳий ҳолатларни жуда нозик идрок этади. Шу боис сўзлар ифодаси ўта равшан. Либоси келинчак либосидай. Равшан фикр, теран идрок унинг ғазалларини ҳикматга айлантиради.

ТАЛҚИН

Ҳар байти ҳикмат

“Мени мен истоган...” деб бошланадиган ғазалнинг икки машҳур байти ифодасининг бадиий куч-қудратига кўра, ҳикмат тусини олган, асрлар мобайнида ҳеч ким Навоийнинг бу фикрини инкор қилолган эмас. Эҳтимол “суймаганга суйкалма” деган фикр дунёнинг ўзидай кўнади. Лекин поэзиянинг қадим қонунияти бўйича жуда эски фикрлар ҳам, мабодо гўзал либос кийса, янада яшаради ва янги фикр каби жанглайди.

Навоий биринчи ва иккинчи мисрада “истак” сўзига алоҳида урғу беради. Учинчи мисрада уни яна бир қара — учинчи маротаба такрорлайди. Тўртинчи мисрада эса “истак”нинг синоними “тилак” сўзини қўллабди. Бизнинг истақларимиз бошқа бир қисмининг истақлари билан доимо ҳам мос тушавермаслиги ва бу ҳоллар турли зиддиятларни юзага чиқаришига ишорат қилади. Бировдан баҳра истаҳ эҳтимол ёмон эмасдир. Лекин баҳра истаҳ ва умуман, фақат истақнинг ўзи инсон муносабатлари ва муаммолари учун етарлимикин? Қисқача айтганда, истақнинг қуруқ ўзи етарлими?

Навоий ғазалидан шу аниқлашладикки, истақнинг қуруқ ўзи баҳра истаҳ учун етарли эмас. Истақнинг қуруқ ўзи, истақнинг тажовузкорлиги — бири-бирдан қочувчи кучларни юзага келтиради. Навоий кейинги байтда ҳур ва пари бозмини истамаслигини ёзади. Кейинги байтда шоир ой ҳам, кун ҳам керакмас, дейди. Ойнинг ҳусни ичимни чок-чок этмас ва куннинг малоҳати жисминини бандбанд қилмас, бундай ойнинг ва бундай куннинг — уларга хос ҳусну малоҳатнинг менга ҳожати йўқ, деб қайд этади. Кейинги мисра-

да эса менга ўз қотилваш, мажнунваш чавандозимгина керак, деган фикрни тасдиқлаб айтиди. Бу мисранинг заминда кўнгил кўнгилга уйғун, яъни мос бўлиши, мувофиқ бўлиши керак, деган фикр пинҳон. Бу мисра ғазалнинг биринчи ва иккинчи байтидаги шох фикрига қўйилмаган шуъла ташлайди, улардаги фикрларни қўйилмаган томондан ёритади. Нега мени мен истоган ўз суҳбатига лойиқ кўрмайди, деган саволга шу мисрадан жавоб чиқади. Бунинг сабаби — кўнгилларнинг кўнгилларга лойиқ эмаслиги, мутаносибликларнинг йўқлигидир. Истақнинг ёлғиз ўзи эса уйғунлиқнинг ўрнини тўлдиролмайди.

Навоий охириги байтда яна ойни эслайди. Лекин энди бу ойнинг юқоридаги ҳур, пари, ой ва кундан жиҳдий фарқи бор. Бу ойнинг юзи ўтлуғ. Ўт эса, энг аввало, муҳаббатга алоқадор. Ойнинг ўтлуғ юзи унинг муҳаббатидан дарак беради. Табиийки, шоир бу олов чехрага кўз тегишини истамайди. Уни муҳаббат уруғини сочиб асрашни истади. Навоий ўтга исирик ташлаш одатига нозик ишора қилиб ўтади. Лекин энг муҳим фикр бу ерда шуки, фақат муҳаббатгина кўнгилларни, дилларни, истақларни бирлаштиради. Истақ қанчалар кучли, ҳусн қанчалар гўзал бўлмасин, агар муҳаббат ва уйғунлик ўртада бўлмаса, улар одам учун фариб ҳамда сиртмоқ, алдовдан бошқа нарса эмас. Навоий шу фикрни ажиб бир далолатлар силсиласида теран ифодаб беради.

Иброҳим ҒАФУРОВ,
филология фанлари
доктори, профессор.

**И
Б
Р
А
Т**

Ота-она ва фарзанд — рўйи заминда тириклик мавжудлигининг зарурий шартидир. Уларсиз инсоният ҳаёти бардавомлиги мумкин эмас. Худди шунинг учун ҳам ота-она ва фарзанд ўртасидаги муносабатлар мутафаккир шахслар диққат-эътиборида бўлиб келган.

Бадиузамон мирзога ёзилган мактубдан маълум бўладики, Алишер Навоий наздида ота, энг аввало, бизнинг йўқдан бор бўлмоғимизда воситачи, “қодири қайом” — яъни қудратли тарбиячи; она эса “розиқи марсум” — яъни қонунийриқ берувчидир. Шоир талқинига кўра, ҳар биримизнинг инсон бўлиб дунёга келмагимиз, жисмонан ва руҳан балоғатга етмагимизда ота-онанинг роли шу қадар каттаки, фақатгина мана шу хизмати учун отанинг фарзанд олдидаги ҳаққи —

Яратганнинг банд олдидаги ҳаққига тенг; онанинг ўрни эса жаннатдандир. Бас, шундай экан, фарзанднинг улар ҳаққини адо этмоғи ҳам шунга муносиб бўлиши лозим. Бу икки инсоннинг заҳматлари шу қадар улғ-

кўрсатиладиган эҳтиром ҳам тенг бўлмоғи лозим, деб ҳисоблайди. “Ҳайрат ул-аброр”да ўқиймиз:

*Бу иккинчи хизмати бир бил,
Ҳар неча ифрот эса, тақсир бил.*

«Иста ато йўлида жон фидо қилмоқ...»

ки, уларнинг хизматларини қанча кўп қилсак — шунча кам, ҳатто, жон фидо қилсак-да — мумкин. Шоир ёқлаган бу ҳақиқат “Ҳайрат ул-аброр”да “Бошни фидо айла ато қошига, Жисми қил садқа ано бошига” дея; “Назм ул-жавоҳир”да “Иста ато йўлида жон фидо қилмоқ, Қуллук анога ҳам улча имкон қилмоқ” дея ифода этилган.

Эътиборлиси шундаки, мутафаккир адиб ота ва онанинг инсон ҳаётидаги бекиёс ўрнини бири-бирдан кўп ё кам санамганидек, уларга

Алишер Навоий бир ўринда ота ризолигини Аллоҳ ризолигига тенглаштиради, иккинчи бир ўринда она сиймосини беҳад улуғлаб, “Ано ўрнин ато тутмас ўғилга, ...Ки имкон йўқтурур бўлмоқ аносиз” деб ёзади. “Муншаот”да Шарқ доғишмандлари сўзларига асосланиб, отанинг хатосини ҳам савобга тенглаштиради, “Садди Искандарий”да она даргоҳида тупроқ бўлишликни ҳар қандай мартабадан устун қўяди. Шоир яна “Тун кунунга айлагали нурпош,

бирисин ой англа, бирисин — кўёш”, дейдики, бу — уларнинг бири кўёш бўлиб, иккинчиси ой бўлиб умримизни ҳам, қалбимизни ҳам пурзўй этмақларига ишорадир.

Шоир яна огоҳлантириб айтидики, ота-онамизга ҳар неки муносабат қилдик — фарзандларимиздан қайтгусидир:

*Ҳар қимчи атоға кўп риюят қилғай,
Ўғлидин анга бу иш сироят қилғай.*

Мустақил юртимизнинг Конституциясида фарзандлик бурчида қонун мақоми берилди. Юртимизда маънавият ва маърифат, жумладан, ота-она ва фарзандларга муносабат давлат даражасидаги муҳим масалалар қаторида туради. 2014 йилнинг “Соғлом бола йили” деб эълон қилинишида ҳам чуқур рамзий маъно бор. Буларнинг барчасида олиханов инсоний ғояларни тарғиб қилган улғ Алишер Навоий қарашларига ҳамоҳангликни кўриш мумкин.

Ноҳира АҒОҚОВА,
Бухоро давлат университети
профессори.

Жаҳон адабиётининг ёрқин намоёндаларидан бири Алишер Навоий халқ хизматига бел боғлаб, ижод қилиши жуда эрта мақсад қилиб олган эди. Шунинг учун ҳам ўз авлодларига буюк маънавий мерос қолдирди. Бу мерос инсон даҳосининг бадиий

ХАЙРАТ

адабиёт соҳасидаги энг зўр ютуқлари бўлиб, киши ақлини ҳайратга соларли даражада ҳар томонлама бой ва гўзалдир. Ижодкор ўз зехни, донолиги билан янада шухрат қозонганлигини у ҳақдаги ривоятлар ҳам исботлайди.

«Бир насиҳат қилғум...»

Ана шундай ривоятлардан бирига кўра, ғазал машқ қилиб ўтирган Алишер Навоийнинг ҳузурига бир киши кириб келиб, қуюқ салоомлашибди-да:

— Навоий ҳазратлари, кўп йиллардан бери бир савол мени қийнаб келади. Ахийри олдингизга келишга мажбур бўлдим. Қани, айтинг-чи, рост билан ёлғоннинг орасида қандай фарқ бор? — деб сўрабди.

Навоий ўнг қўлининг кафтини чаккасига қўйиб, жим туришда давом этибди. Ҳалиги киши анча вақт жавоб кутиб, қараб турибди-да, охири тоқати тоқ бўлиб:

— Ҳазрат, жавобингизга мунтазирдурман! — дебди. Шунда Навоий жилмайган кўйи:

— Саволингизга ўша ҳақ-ҳотийёк жавоб бердим-ку, тушунмадингизми? — дебди.

— Лом-мим деб оғиз ҳам очмадингиз-ку, ахир?! Нимани тушунай? — таажубда қолибди ҳалиги киши.

— Мана, қафтим чаккамда, — содда қилиб тушуни-тира бошлабди Навоий, — кўзим билан қулоғим орасида турибди. Бу кўз билан кўрганнингиз рост, қулоқ билан эшитганингиз ёлғон бўлади, деганим.

Навоийнинг ақлига қойил қолган ҳалиги киши:

— Офарин! Тасанно! — дебди.

Бу ривоятда зийрак Алишер Навоий рост билан ёлғоннинг фарқини билиш учун келган кишининг саволига ғоят нозиклик билан жавоб берганлиги тасвирланган. Шу билан

бирга, ана шу ақлу заковати тудайли шоир ҳар бир ўқисик, мунгли қалб ноласию ошиғу ғарибнинг кўнглига наво бўла олган ижодкорлардан саналади. Бу навоининг илк кўринишини шоирнинг ўзига танлаган таҳаллуси — “Навоий”да кўрсак, иккинчи бир ҳолатини пурмаю сатрларидан аниқлашмиз.

Чинакам севги учун висол шарт эмас. Биров ўз соҳасида ҳар қанча моҳир бўлмасин, ниятнинг ўзи билангина мақсад гўзалининг қўлини тута олмайди. Овчи ҳар қанча устаси фаранг бўлмасин, сув мавжи ёрдамида балиқ ушлолмайди. Зеро, Навоий фикрича, киши ўзини севган каби кўрсатгани билан ошиқ бўлиб қолмайди. Субҳи қозиб (ёлғон тонг) субҳи содиқ (ҳақиқий тонг)дек ёрғ бўлмайди, дегандек бўлади:

**Киши ўзин ясаган бирла бўлурми ошиқ,
Субҳи қозиб ёрмас, ўйлаки субҳи содиқ.**

**Бир насиҳат қилғум,
Эй ишқ аҳли, айланг истимоъ,
Солмангиз ҳар сори кўз,
То бўлмасун ҳар ён кўнгул.**

Шундай экан, буюк бобомизнинг умр йўли, ижодий фаолияти авлодлар қалбида ибрат ва саодат қалити бўлиб, мангу яшайди.

Ботир ЗАРИПОВ,
Навоий давлат педагогика
институтини доценти.
Насиба ҲАШЕВА,
мақор институт
тадқиқотчиси.

Туюқ

**Лавлидин жонимга ўтлар ёқилур,
Қоши қаддимни жафодин «ё» қилур.
Мен вафоси ваъдасидин шодман,
Ул вафо, билмонки, қилмас ё қилур.**

Ул ҳуққаи оқим, қилурлар гулфом
Ким, жавфи паниру маскадин тўлди тамом.

Ким ани уруштирмоғидин истар ком,
Ноком ани ушатғусидур ани ноком.

ДУРДОНА

Яхши сўз — мухтасар. Кўп дегувчи — мумил, мукаррар дегувчи — лояқил. Айбўй — маъюб, айбўй — манкуб. Туз кўргувчи — пок назар, хунар кўргувчи — рост басар. Улким, димоғида ҳаёт — сўзида йўқ рабт. Димоғи саҳиҳ — гуфтори фасиҳ. Сўзи ҳисобсиз — ўзи ихтисобсиз. Сўзида паришонлик, ўзида пушаймонлик. Сўзки, фасоҳат зеваридин музайян эмасдур, анга чинлиқ зевари басдур, ёлғончи ҳар неча сўзида фасиҳчи, ҳар неча қабихроқ. Чин сўз нечаким бетакаллүф, қойилга иборат содалигидин йўқ таассуф. Гулга ийртүк либосдин не зиён, дурга бадшахл садафдин не нуқсон. Ёлғон сўз жуз назмда нописанд ва анинг қойили нохирадманд.

«Маҳбуб ул-қулуб»
асаридан.



**Р
У
Б
О
Й**

Номанг манга руҳдин нишон бўлди яна,
Осойиши жони нотавон бўлди яна.
Ҳар ҳарфи анинг танимда жон бўлди яна,
Ҳар лафзи ҳаёти жовидон бўлди яна.

**К
И
Т
Б
А**

**Бийик ҳимматлик элга арзи ҳол эт,
Замири нурпош элдин савол эт.**

**Ки бор абри баҳоре гавҳарафшон,
Чоқин ҳам олам аҳлига зарафшон.**

**Ч
И
С
Т
О
Н**

Боқий мерос

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтида Навоий қаламига мансуб 24 асарнинг 254 та кўлёмаси сақланади, уларнинг аксарияти девонларнинг нусхалари. Навоий девонлари профессор Ҳамид Сулаймон томонидан йиғилиб, тасниф этилган. “Илк девон” Санкт-Петербургда-

Навоий ўз “Ҳамса”сини яратишга 1483 йилда киришган бўлса, унинг биринчи достони “Ҳайрат ул-аброр” (“Яхши кишиларнинг ҳайратланиши”)ни ўша йили ёзиб тугатди. 1484

йилда “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Сабаъи сайёр” (“Етти сайёр”), 1485 йилда “Садди Искандарий” достонини поёнига етказди. Шоир ўз “Ҳамса”сига киритилган

ги Салтиков-Шчедрин кутубхонасида сақланади. “Наводир ун-нихоя” асарининг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтида сақланган нусхалари ниҳоятда нодир бўлиб, улар Навоий даврида Хиротда Султон Али Машҳадий (1487 йил), Абдуҷамил қотиб (1487-1488 йиллар) томонидан кўчирилган.

достонларда ўша давр учун муҳим бўлган муаммоларни кўйди, мутафаккир сифатида илғор қарашларни илгари сурди, ўзбек тилининг қудратини оламга намойиш этди.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 269. 140 317 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.



Тахририятга келган кўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририят компьютер марказида терилди
ҳамда оператор Ж. Тоғаев
томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Набатчи муҳаррир — М. Жониҳонов.
Набатчи — Ф. Абилов.
Мусахҳиҳ — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.25 Топширилди — 23.15 1 2 3 4 5

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунийлик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси